



**Tadqiqot** uz

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**2020**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**№18**  
31 июль

**conferences.uz**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 18-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
9 - ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
18-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ- 9**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
18-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART- 9**

**ТОШКЕНТ-2020**

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

<b>1. Фаррух Файзиев Абдуллахожаевич</b> НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ РАСШИРЕНИЯ ДОХОДОВ МЕСТНОГО БЮДЖЕТА .....	8
<b>2. X.Xudayarova</b> INNOVATSION RIVOJLANISHNISHDA QO‘LLAB QUVVATLOVCHI IMKONIYATLAR VA DUCH KELINADIGAN MUAMMOLAR.....	11
<b>3. Абдурахимова Гулчирой Махамматжон кизи</b> ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ .....	13
<b>4. Беркинов Бозорбой</b> МАҲАЛЛА КОМПЛЕКСИНИ ҚУРИШ ВА ОИЛА ТАДБИРКОРЛИГИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	15
<b>5. Карабекян Светлана Хамдамовна, Базарова Маира Хамдамовна</b> РОЛЬ ИННОВАЦИИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ .....	18
<b>6. Лапасова Санобар Убайдуллаевна</b> ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ .....	20
<b>7. Шакирова Гўзал Абраловна</b> МАҲАЛЛА ФАРОВОНЛИГИ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ .....	22
<b>8. Шакирова Гўзал Абраловна</b> ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	25
<b>9. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ САВДОНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	27
<b>10. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи</b> ТАШҚИ САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ .....	32
<b>11. Odilova Sitora Sayfitdin</b> THE CURRENT POSITION OF THE JUICE AND JUICE MARKET AND ITS HISTORICAL DEVELOPMENT. ....	36
<b>12. Авезова Шахноза Махмуджановна</b> ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УПРАВЛЕНИЯ ТРУДОВЫМИ РЕСУРСАМИ.....	38
<b>13. Раджабова Гавхар Умаровна, Абдуллаев Абдулходи Абдулла ўғли</b> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА КАДРЛАР КОМПЕТЕНТЛИГИ .....	41
<b>14. Махамматова Хилола Эгамбердиевна,</b> <b>Абдурахимова Гулчирой Махамматжон кизи</b> ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ .....	46
<b>15. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи</b> ТОВАРЛАР ТАШҚИ САВДОСИ: ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ .....	49
<b>16. Юлдашев Элдор Илхомжонович, Юлдашева Ниҳола Тоҳир кизи</b> COVID-19 ПАНДЕМИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ.....	52
<b>17. Jumaniyazova Sharifa Rashidovna, Allanazarov Otaxon Bayramboyevich</b> O‘ZBEKISTON TURIZMI SOHASIDA MENMONXONA HO‘JALIGINING RIVOJLANISH HOLATI. (Xorazm viloyati misolida) .....	55
<b>18. Maxmudov Dostonbek Soyibjon o‘g‘li</b> KEYNESIAN MODEL AND THE MODERN ECONOMY .....	57
<b>19. Шукуров Акмал Уктамович, Жабборов Элбек Эркин ўғли</b> ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ТИЗИМЛАРИДА ВИРТУАЛ САВДО МАЙДОНЛАРИ .....	58
<b>20. Шукуров Акмал Уктамович, Жабборов Элбек Эркин ўғли</b> ОНЛАЙН ВА ОФЛАЙН РЕКЛАМАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	60



## ТОВАРЛАР ТАШҚИ САВДОСИ: ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ

*Юлдашев Элдор Илхомжонович*  
*ТДИУ 1-босқич докторанти*  
*Телефон: +998(98)3630506*  
*e.yuldashev@tsue.uz*

*Юлдашева Ниҳола Тоҳир қизи*  
*Ўзбекистон МУ 4-босқич талабаси*  
*nihola.yuldasheva98@mail.ru*

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо ҳолати ва унда Россия Федерацияси билан товарлар савдосини амалга оширилишининг жорий ҳолати ва келгусида истиқболли алоқаларни ривожлантирилиши бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги таклифларимиз келтирилган.

**Таянч иборалар:** Ташқи савдо муносабатлари, ташқи савдо, экспорт, халқаро савдо, ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт, экспорт таркиби, товарлар экспорти.

Кириш.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга бўлган ҳаракатларининг жадаллашувига олиб келмоқда. Интеграциялашувнинг энг юқори нуқтасига интилиш мамлакатлар орасида тенг манфаатли иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида жуда катта ижобий таъсирини кўрсатади. Шу ўринда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ва тадбиркорларга яратилаётган ҳуқуқий ҳимоя, иқтисодий имтиёзлар ва қулайликлар ташқи бозорга сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламининг юқори кўрсаткичларга эришида ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимизда товарлар ва хизматлар экспортининг кенг кўламда ривожланиши ташқи савдо балансига ижобий таъсир этади. Бу эса миллий ишлаб чиқарувчиларимиз учун ташқи бозорнинг янги имкониятларини очилишига, иқтисодиётимизга четдан хорижий валюта оқимини кириб келишини янада кўпайишига ва миллий валютани қадрини ортишига, ишлаб чиқаришни ва бу орқали янги иш ўринлари яратилишига, иқтисодиётимизда барқарор ривожланиш тенденцияларига эришиш ва оқибатда халқимизнинг яшаш даражасини янада фаровонлашишига олиб келади.

**Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистон-Россия муносабатларини эътироф этишни Россия Федерациясининг иқтисодий салоҳияти тўғрисида фикр юритишдан бошлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Россия Федерациясининг ташқи савдо ҳолатига иқтисодчи олимлар Козлова Елена Ивановна ва Варфоломеев Дмитрий Алексеевичлар (<https://cyberleninka.ru>) куйидагича фикр билдирадilar: “Россиянинг ташқи савдоси экспортнинг хом ашё йўналиши ва импортнинг саноат йўналиши, шунингдек, бошқа мамлакатларга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Мамлакат иқтисодий ривожланишининг экспортга йўналтирилганлигига кучли боғлиқлиги юқори ва паст энергия нархларининг ўзгариб турадиган тенденциялари контекстида ўта хавфлидир, аммо кўп йиллар давомида Россия экспорти таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермади”. Ўтган йиллар давомида РФига нисбатан қўйилган иқтисодий санкциялар даврида ҳам экспорт таркибининг ўзгариб кетмаганлиги мамлакатнинг экспорт салоҳитини юқори даражада эканлигидан далolat беради.

Владимир Петрович Оболенский эса мамлакатнинг халқаро товарлар ва хизматлар алмашинувидаги иштироки ички иқтисодиётни ривожлантиришда жуда муҳим рол ўйнайди, фойдаланилаётган ресурслар ҳажмини ўзгартириш, шунингдек уларнинг моддий ва моддий шакллариини ўзгартириш орқали кўпайиш жараёнларини сақлаб қолиш ва модернизация қилиш имконини беради. Экспорт сизга ички еҳтиёжлардан ташқари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бандлик, иш ҳақи, корхоналар ва аҳоли даромадларини ошириш имконини беради. Экспортдан тушадиган валюта тушумлари товарлар ва хизматлар импортини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўз навбатида, импорт иқтисодиётни



мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материаллар билан таъминлайди, импорт қилинадиган ускуналар ёрдамида маҳаллий корхоналарнинг технологик базаси янгиланади, чакана товарларнинг сезиларли қисми импорт товарлардан шакллантирилади. Божхона тўловлари, шу жумладан солиқлар, федерал бюджетга тушумларнинг муҳим қисмидир, бу унинг даромадларининг олтитасини таъминлайди дея фикр билдиради (<https://cyberleninka.ru>).

2020 йил 1 чорак натижаларига кўра мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси бўйича энг олдинги ўринларда Россия Федерациясининг бориши экспортёр корхоналаримизга жуда катта қулайликлар яратади: “Ўзбекистон, жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСА нинг нисбатан салмоқли ҳиссаси Россия Федерациясида (16,9%), Хитой Халқ Республикасида (16,8%), Қозоғистонда (8,3%), Корея Республикасида (6,7%), Туркияда (5,8%), Қирғиз Республикасида (2,3%) ва Германияда (2,1%) қайд этилган” (<https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-sentyabr/uz/13.pdf>)

#### Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга оширишда кузатув, қиёсий таҳлил каби анъанавий тадқиқот усулларидан фойдаланилган. Шу билан бирга, тасвирий статистика ёрдамида, мамлакат товар экспортининг ривожлантирилишда Россия Федерацияси билан алоқаларнинг аҳамияти таҳлил қилиниб, таҳлил натижаларига муаллиф хулосалари келтирилган.

#### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мамлакатимизда экспортни ривожлантириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ташқи савдо айланмасини ижобий кўрсаткичларга эришишида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мамлакатимизда ривожланган давлатлар билан тенг манфаатли иқтисодий алоқаларнинг йўлга қўйиши ва мавжуд алоқалардан янада самарали фойдаланиши натижасида ташқи савдо айланмаси сезиларли даражада ўсиш тенденциясига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг маълумотларига кўра, ўтган 2019 йил якунларига кўра ТСА 2017-2019 йилларда 26,6 миллиард АҚШ долларидан 33,4 ва 42,2 миллиард АҚШ долларигача мос йиллар давомида ўсиб келди. Пандемия натижасида эса 2020 йил январь-март ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 8 140,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 924,1 млн. АҚШ долларига ёки 10,2% га камайди. ТСА да экспорт ҳажми 3 374,7 млн. АҚШ долларига (10,9% га камайди) ва импорт ҳажми 4 765,7 млн. АҚШ долларига (9,7% га камайди) етди. Ҳисобот даврида - 1 390,9 млн. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди.

Қуйидаги жадвалда эса мамлакатимизнинг Россия Федерацияси билан ташқи савдо айланмаси бўйича маълумотлар келтирилган:

#### 1- жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан ташқи савдо айланмаси динамикаси<sup>1</sup>.

(январ-декабр, млн. АҚШ доллари)

	2017	2018	2019
Экспорт	2 019,2	2 117,3	2 492,5
Импорт	2 709,5	3 538,6	4 134,4
Ташқи савдо айланмаси	4 728,7	5 655,9	6 626,9

#### 2- жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан ташқи савдо айланмаси динамикаси<sup>2</sup>.

(январ-март, млн. АҚШ доллари)

	2018	2019	2020
Экспорт	389,3	425,2	455,6

<sup>1</sup> Жадвал [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>2</sup> Жадвал [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Импорт	997,4	919,0	920,9
Ташқи савдо айланмаси	1 386,7	1 344,2	1 376,5

Юқоридаги 1-2-жадваллардаги маълумотларга кўра, ўрганилган йиллар давомида республикамизнинг Россия Федерацияси билан ташқи савдо айланмалари ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шу билан бирга республикамиз экспортида асосий ҳамкор-давлатларнинг улуши бўйича 2020 йил 1 чорак якунларига кўра Россия Федерацияси 13,5 % билан етакчи ўринда турибди.

Россиянинг эса экспорт ҳажми 2020 йил январ-март ойларида 89,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди ва 2019 йилнинг январ-мартига нисбатан 15,0 фоизга камайди. Хорижий мамлакатлар 88,3%, МДХ давлатлари 11,7% улушига тўғри келади.

2020 йил январ-март ойларида Россия экспортининг асосини анъанавий равишда ёқилғи-энергетика маҳсулотлари ташкил етди, уларнинг улуши экспортнинг 61,7% ташкил этди.

#### **Хулоса ва таклифлар.**

Тадқиқот натижаларини қуйида келтириб ўтамыз:

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишида пандемия шароитида хорижий ҳамкорлар билан ташқи савдо алоқаларини янада яхшилаш, узоқ йиллик стратегик келишувлар орқали товарлар алмашинувини янада кенгайтириш, фаолият турларини диверсификациялаш орқали маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш ва бу орқали жаҳон бозорида ўзига хос ўринга эришиш долзарб масала ҳисобланади.

Россия Федерацияси билан савдо алоқаларини йўлга қўйишда стратегик шерикчилик масалаларини муҳокама қилиш, турли хўл ва қуруқ мева-сабзавот маҳсулотларини экспортини янада ошириш ва ёғоч ва қоғоз маҳсулотларини импортини қисқартишга сабаб бўладиган муқобил технология ва ҳом ашёларни импортини ошириб, улар ёрдамида ишлаб чиқарилган ёғоч ва қоғоз маҳсулотларини қайта экспорт қилиш амалиётини кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Статистика метамалумотлари [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайт маълумотлари.
3. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) сайт маълумотлари.
4. [www.nordeatrade.com](http://www.nordeatrade.com) сайт маълумотлари.
5. [www.trademap.org](http://www.trademap.org) сайт маълумотлари.
6. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru) сайт маълумотлари.